

Араб калималарининг фасоҳати ҳақида ўйлар



14:04 / 15.11.2023 2227

Илк наҳвий ва луғавий олимларнинг араб тилининг фасоҳатини сақлаб қолиш йўлидаги саёҳатлари гуллар билан тўшалмаган эди. Зеро, араб тилида синоним сўзлар, ўхшаш иборалар ниҳоятда кўп эди. Ва уларнинг ичидан фасихию афсаҳини (фасихроғини) танлаб олиш машаққат, изланиш ва қобилият талаб қиларди. Шу боис, бу йўл тиканлар билан тўшалган, машаққатлар ила ўралган эди.

Араб тилида "луғатлар" ва "лисонлар" яъни бир сўзнинг турли қабила ва уруғлардаги эквивалентлари кўп эди. Шунингдек, тародуф (синонимия) феномени зоҳир эди. Истеъмоли кенг ва машҳур бўлган бирор сўзнинг кам учрайдиган маънодош муқобили чиқиб қолса, унга "бу фалон сўз борасида пистон қабиланинг луғати ёки лисони" дея изоҳлаб кеташарди.

Мазкур "луғат" ва "лисон"лар ичидан энг фасихини танлаб олишда луғавийлар таянган асосий ўлчов унинг кўп ва кенг кўламда истеъмол қилиниши эди. Мана шу у ёки бу калиманинг фасихлигида асос каби эди. Шунинг учун ҳам луғавийлар "لَامَعَتِ السَّالَاةُ رَثْكَ يَلْعَ، أَحَاصِفُ الرِّادِمِ" яъни, "фасоҳат меҳвари (у ёки бу сўзнинг) кўп истеъмол қилинишидир" деган қоида жорий қилдилар. Зеро, фасих бўлмаган калима зотан, ҳарфлари гўзал жойлашмаганлигидан қулоққа ёқмайди, тилга қийин келади, истеъмолда кам учрайди ва қиёсга хилоф тузилган бўлади. Балоғат фани қўлланмаларида учрайдиган ва калиманинг фасих бўлиш шартларидан иборат бу уч нарса, яъни, танофурул ҳуруф, муҳолафатул қиёс ва ғаробатдан холи бўлиш калиманинг фасих ҳисобланишидаги бирламчи шартлардир.

Араб тилини пухта эгаллаган кишилар эса мазкур шартларга тўғри келган сўзлар ичидан ҳам фасихроғини танлай биладилар. Шунингдек, синоним сўзлар ичидан ҳам мақомга кўпроқ мос келадиганни танлашда адашмайдилар. Қачон қайси бирини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлишини биладилар. Масалан, "كش" билан "بِير" сўзлари, "رعس" билан "نمث" сўзлари мутародиф сўзлар бўлса ҳам маънода бир-биридан нозик фарқ қилувчи жиҳатларга эга.

Имом Суютийга кўра фасих сўзларнинг ҳам рутбалари бор. Масалан, "ضرم ل ا ه ب ص ن أ" (касалик уни ҳолдан тойдирди) ибораси "ه ب ص ن" иборасидан фасоҳатлироқ ва олийроқдир. Ваҳоланки, "насаба (ب ص ن)" ҳам "ансаба (أ ب ص ن)" ҳам айна маънога далолат қилади. Ёки "أَبَلَّغَ ه ب ل غ" (ғалабаху ғалабан) дея масдарнинг ломини фатҳали ишлатиш "أَبَلَّغَ ه ب ل غ" (ғалабаху ғалбан) дея сукунли ишлатишдан афзалроқдир фасоҳат нуқтаи назаридан.

Шунинг учун ҳам бир-бирига нисбатан луғат бўлган сўз ва иборалар гарчи, балоғат фани қўлланмаларида келган сўзнинг фасих бўлиш шартларини ўзида мужассам қилган бўлса ҳам истеъмол жиҳатидан фарқ қилиши туфайли бир-бирига нисбатан "заиф", "мункар" ва "матрук" ҳисобланиши мумкин. Мисол учун, "تَهَب" (лол бўлмоқ, келтирилган ҳужжат қаршида ҳеч нарса деёлмай тонг қолмоқ) сўзи худди шу феълнинг мажҳул нисбатда ишлатилувчи "تَهَب" вариантдан фасихроқ эмас. Балки, "бахута"

"буҳита"га нисбатан заифдир. Гарчи, ҳар иккала вариант ҳам умумий фасоҳат шартларини ўзида мужассам қилган бўлса ҳам.

Шу билан бирга араб луғавийлари қошида "تتام غة" (ўлик шева, ўлик вариант) деган истилоҳ мавжуд. Аввал бир сўз ишлатилган кейин вақтлар ўтиши билан мазкур сўз истемолдан чиқиб кетган ва унинг ўрнини фасихроқ бошқаси эгаллаган бўлади. Шунда аввалги луғат тарк этилади. Кисойй (р.х) айтади: "маҳбуб (суюкли, севимли) сўзи "ҳабабту" (севдим)" сўздан олинган. Мазкур сўз ўлган луғат бўлса керак". Яъни, яхши кўрдим, севдим, дейиш учун "ҳабабту" ишлатилмайди. Балки, "аҳаббу" ишлатилади. "ҳабабту" тарк этилган ва ўлик луғатга айланган.

Фасих калималар ичидаги заиф, мункар ва матруклари умуман фасоҳатдан йироқ бўлган радийъ ва мазмум (ёмон, сифатсиз) сўзлардан фарқ қилади, албатта. Аксар араб тили олимлари иттифоқ қилган хулосага кўра, Қурайш лаҳжаси лаҳжаларнинг энг олийси, энг гўзали ва ёқимлиси эди. Зеро, Қурайш қавми Каъбаи муаззаманинг ходимлари ва ҳомийлари ўлароқ араб қавмлари ичида энг марказий мақомни эгаллаган эдилар. Макка барча Ҳижоз аҳли учун пойтахт мақомида эди. Маккага барча араб қабилалари ҳаж ва умра учун келарди. Ўзлари эса Шом ва Яманга тижорат сафари билан чиқишарди. Йўлда эса балоғату фасоҳат чавандозлари тўпланадиган турли машҳур бозорлардан ўтардилар. Қурайшнинг ўзга араб қабилалари билан кўп мулоқотда бўлиши, араб калималари борасидаги завқининг ошишига замин яратди. Бу эса ўз навбатида, арабларнинг сўзларидан энг гўзал ва мустаҳсанларини олиб, сифатсиз ва ёқимсизларини, мустақбаҳ ва мустабшаъларини ташлашга имкон берарди.

Шу тариқа, Қурайш шеваси сайқалланиб, жилоланиб, юксала борди. Уламоларга кўра, Қуръони карим айнан Қурайш луғатида нозил бўлишининг асосий сабаби ҳам шудир. Зеро, Қурайш бу вақтга қадар барча араб халқларининг энг гўзал лафзларини ўзида жамлаган эди.

Қуръони каримнинг Қурайш луғатида нозил бўлиши ўз навбатида араб тилининг юксалишига, фасоҳати кучайишига сабаб бўлди. Зеро, Қуръони карим алфозига хилоф бўлган ғариб, хунук ва ёқимсиз сўзлар бунга қадар араблар ичида кўп эди. Мутаассиб араб қабилаларини эса ўзларидаги мустақбаҳ лафзларни тарк қилишларига Қуръони каримдан бошқаси

мажбур қилолмасди. Аммо, Қуръони карим нозил бўлгач, унинг оятларига боқдилар ва ўзларидаги мазкур хунук лафзларнинг қабоҳатига таслим бўлдилар ва тарк этдилар.

Шу билан, луғавийлар наздида кашкаша, ъанъана, каскаса, фаҳфаҳа, ъажъажа, вакам, ваҳам, ватм, истинто, шаншана, лахлахонийя ва тамтамонийя каби номлар билан аталувчи қўпол шева ва услублар йўқолиб кетди. Ёки деярли йўқолиб кетди.

Мисол учун, Рабийъа ва Музар қабиласида кашкаша мавжуд эди. Бу эса вақф ҳолатида иккинчи шахс муаннас кофига шин қўшиб гапириш эди. Улар, "كَب تَرَرَم" (марарту бики) демоқчи бўлсалар, "ش كَب تَرَرَم" (марарту бикиш) дердилар. Ёки "كُنْتِي أَر" (сени кўрдим) демоқчи бўлсалар, "ش كُنْتِي أَر" дер эдилар. Ҳавозин қабиласида эса тескариси эди. Яъни, улар шин ўрнига син ҳарфини қўшиб айтишарди. "كُنْتِي طَعَاء" ва "كُنْم" (كُنْم) каби.

Шу тариқа, Аллоҳ таолонинг сўнги аҳди, башариятга нозил этган сўнги каломи ва ваҳйи бўлган Қуръони карим нафақат олам аҳлини зулматлардан нурга олиб чиқувчи маърифат маёғи, ҳидоят булоғи, ҳақ билан ботилни ажратиб берувчи фурқон, Коинот сиррини очиб берувчи бурҳон, қалблар шифоси, кўзлар зиёси бўлди. Балки, у араб тилининг фасоҳату балоғатига ҳам хизмат қилди. Уни юксалтирди. Зеро, Аллоҳнинг каломи муборақдир. У нимага боғланса, унга барака киритади.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 7 сентябрдаги 03-07/7119-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.